



Ғазнавийлар тарих сахнасига милодий 961 йили келишди ва роппа-роса 225 йил хукмронлик килишди. Улардан олдин Сомонийлар сулоласи ўнинчи аср охиригача хукмронлик килган, бироқ бундан анча илгари унинг инкирозидан дарак бериб Кобулда янги давлат вужудга келган эди. Унга сомонийларнинг собиқ турк қули Алптегин асос солди. У сомонийлар авлоди қироллигидаги тансокчилар гуруҳида юксак мавқега эришгач, Хуросон ҳокими этиб тайинланди. Анча вақтдан кейин нафратга учраб, кичикроқ қўшин билан шарқий вилоятларга, Ғазна деган жойга бош олиб кетди ва у ерда мўъжазгина шаҳар-давлат барпо этди. Унга ворис бўлган қули ва қуёви Сабуктегин анча истеъдодли киши эди.

Сабуктегин 967-997 йиллар орасида ўттиз йил даврон сурди. У мустақилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтди. Ғарбда сомонийлар авлодининг сўнгги вакилидан Хуросонни тортиб олди, шарқда эса ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Пешоварни эгаллади. Бу ерда унга хужум килган Панжоб рожаси Жайпал мағлубиятга учраб, жуда катта миқдорда товон тўлашга рози бўлди. Лекин Жайпал Лохўрга қайтиб

келгач, сўзининг устидан чикмади, шунинг учун ҳам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирди. Бошка рожаларга ёрдам сўраб мурожаат килган Жайпал улардан мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш килди. Бирок хиндларнинг яна омади чопмади. Натижада Хинд дарёсининг гарб томонидаги ерлар газнавийлар ихтиёрига ўтди.

Газнанинг 999-1030 йиллардаги буюк султони Улуг Махмуд Сабуктегиннинг ўгли эди. У газнавийлар шухратини бутун Осиёга ёйди. Махмуд отаси билан биргаликда кўрган тадбирларидан ўз уруги билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганини, Шаркда Панжобнинг шахий подшоҳлари билан ракобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу пайтда Жайпал казо килиб, унинг ўгли Анадпал Панжобни бошкариб турган эди. Отаси сингари у ҳам шартлашилган тоvonни тўлашдан бош тортди, бу Махмуд билан шахий подшоҳлари ўртасида уруш чикишига яхши бахона бўлди. Ўзаро тортишувлар Ислом азаматининг Хиндистон шахий подшоҳлари устига машхур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Катъиятли сунний бўлган Махмуд Газна султони сифатида халифа деб эътироф этилди. Халифа унга "Ямин уд-Давла" (Давлатнинг ўнг кўли) унвонини берди.

Шундан кейин Махмуд ўзининг урушлари силсиласини бошлаб юборди. У Хиндистоннинг мухим маданий ва диний марказларига хужумлар уюштирди, чунки кўшни рожалар шу масканларни куткариш учун бирлашишларидан хабардор эди. Газнавийлар ўша пайтда ўн икки марта юриш килганлари тарихда қайд этилган. Хиндларнинг Гужарат вилоятига карашли Катхиаваре деган жойдаги машхур Сомнас зиёратгоҳига килинган хужум уларнинг энг машхуридир. Махмуд Рожпутан чўлини босиб ўтишга мажбур бўлган бу юришида ўзининг карийб барча хинд рожаларининг бирлашган кучларига карши туришини яхши биларди. Бу жанговар саркарданинг жасурлиги ҳеч қандай таърифга сикмас эди. Дастлабки пайтда анча кўп сонли хинд кўшинлари исканжасида бўлгани холда голиб чикиб, шаҳарни эгаллагач, Сомнас эхромига кириб борди ва миллионлар илтижосига карамай, ундаги бутни чил-парчин килиб ташлади. У юртига катта ўлжа билан қайтди. Махмуднинг гарбдаги зафарлари ҳам Хуросон ва бутун Форснинг кўшиб олинишидан қолишмайди. Шухрати чўккисида у Хиндистондаги Жамна дарёси билан гарбдаги Дажла дарёси ўртасида жойлашган бепоён кенглик ҳукмдори бўлиб турди. Махмуд Газнавий юришлари туфайли Ислом дини ҳақиқатан ҳам кенг кўламларда жорий этила борди. Махмуд Канаужа ва Дехлигача борган бўлса ҳам, факат Панжобни эгаллашга эришди. Газнавийлар даврида Панжоб, аникроги, унинг учдан икки қисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лохўр, Панжоб ва Юкори Синд газнавий ҳокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат килди. Сўнгги газнавий ҳокимлар эса Газнага эмас, Лохўрга бўйсунардилар. Махмуд Хиндистонда узок хотира қолдирди. Бу хотира факат Панжобнинг доимий истилоси билангина чегараланиб қолмасдан, кўпроқ Махмуднинг ва унга қарам туркларнинг ўзларига нисбатан хиндлар қалбида уйғотган очик-ойдин кўркувда бўлмаса ҳам, душманликда ифодасини топди. У хиндлар бошида тез-тез қалтак синдириб турди, ўгли Султон Масъуд ва невараси Бахромнинг шон-шухрати эса Хиндистонда шу қадар қучли янгардики, гурийлар Хиндистон устига бостириб қелаётганларида Присви Рож, дехлилик Чоукан Рож ҳамда Ахмернинг қарши чиқишларини ҳисобга олмаганда, хиндлар ҳатто мусулмонлар ҳаракатига сезиларли тўсик бўла олишмади.

Хинд тарихчилари Махмудни босқинчиликда, шаҳарлар ва эҳромларни шафқатсиз вайрон қилишда айблашади. Бу тўғри эмас, албатта. Махмуд учун Хиндистон

"Дорул-харб", яъни урушлар маскани бўлган. Шахий подшоҳлари Махмуднинг отасига карши уругчилик урушини кўзгашибди, кўп марталаб Сабуктегинга ҳамда Махмудга берган ваъдаларига вафо қилишмади. Эҳтимол "мукаддас уруш" олиб борган Махмуддан ватанларини химоя қилганлари учун уларнинг қилмишларини оқлаш мумкиндир. Махмуднинг ўз таъбири билан айтганда, у бутпарастларга карши ҳар йили ёки бир йил ўтказиб уруш олиб борарди. Ўша пайтда бундай уруш қонуний бир ҳол ҳисобланарди. У ҳеч қачон шаҳарларни яқсон қилмаган, оммавий қирғинларга йўл қўймаган. Ислоҳ қилган сифатидаги шон-шухрати билан Махмудга бас қилдирган ҳокими мулклар кўп эмас. Ўз пайтида у Осиёнинг биринчи ҳокими эди. Жонажон шаҳри Газнада беҳисоб кўп иморатлар, мактаблар, беадад илмий муассасалар қурдириб, халқига ато қилди, ўз пойтахтига қўллаб машхур кишиларни даъват этди. Бу унинг номини ўн биринчи асрдаги энг буюк илмпарвар сифатида тилларда дoston айлади. Махмуд шоирлар ва машхур кишиларга ҳар йили 400 минг динарлаб маблағ сарфлаши билан Фирдавсийни мислсиз "Шохнома" асарини ёзишга илҳомлантирган. У Газнада дорилфунунга асос солиб, машхур файласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни унга мударрисликка тайинлади. Бошқа кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, Фирдавсий, Асжодий ва Фаррухий ҳам шу ерда эдилар. Улуғ аллома Беруний ҳам Махмуд ҳузурида ишлади, лекин у шохнинг маслаҳатчиси Аҳмад ибн Маймандий билан чиқиша олмай, шаҳзода Султон Масъудга қўшилди. Газнавийлар ҳақида битилган "Тарихи Яминий" асарининг муаллифи машхур олим Утбий Махмуд саройида фаолият кўрсатган. Ўз паноҳида шунчалик кўп ёзувчилар, санъаткорлар ва олимларни тўллаб, бутун китъада шу қадар юксак обрўга эга бўлиш қамдан-қам подшоҳга насиб этган. Машхур султонлар - Султон Масъуд ва билим бобидаги жонбозлиги билан донг таратган ўғли Султон Байрам ибн Масъуд Махмуд Газнавийнинг ворислари жумласидандир. Байрам фозилу фузалоларга совға-саломлар ва мукофотлар беришда жуда саҳий эди. У "Махзани асрор" асарининг муаллифи Шайх Низомий ва Сайёд Хасан Газнавий сингари таникли кишиларни саройга жалб қилди. Айни Султон Байрам подшоҳлиги даврида ва унинг раҳнамолиги туфайли "Қалила ва Димна" масаллар мажмуи санскрит тилидан форсчага таржима қилинди. Газнавийлар тобора қолдан қолдириб бораётган қиролликни юз йилдан кўпроқ бошқариб турганларидан кейин Панжоб томон суриб чиқарилдилар. Махмуднинг сўнги вориси у ерда Шаҳобиддин Гурий (1186 йил) ҳаётлигида Лохўр ҳокими бўлиб турди.

Лондон Оксфорд университети босмаҳонасида 1959 йилда чоп этилган инглизча нашрдан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси.